
Интеллектуал мулк ҳуқуқлари кафолатланган

Интеллектуал мулк ҳуқуқи – инсоннинг ақлий-ижодий фаолиятининг натижасида яратилган мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқ. Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига кўра фан, адабиёт ва санъат асарлари; ижролар, фонограммалар, кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау); фирма номлари; товар белгилари; географик кўрсаткичлар; товарлар чиқарилган жой номи ва бошқалар ушбу мулк тоифасига киритилиши мумкин.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси томони интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳисобланади. Вазирлик интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилади ва муҳофаза қилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни бузган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга боълган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан ўткан давр мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг 120 та мурожаати иш юритувига олинди, 61 та ҳолатда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазаси таъминланди.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши ва қўлланилиши амалиётини ўрганиш бўйича мурожаатлар асосида 78 та тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказилиб, аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан интеллектуал мулк ҳуқуқи билан богълиқ қонунчилик талабларини бузган 11 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши, тадбиркорлик субъектларига бажарилиши мажбурий боълган 60 та тақдимнома ҳамда 8 та огоҳнома киритилиши, 3 нафарига молиявий жарима қўлланилиши натижасида 95 та интеллектуал мулк объектлари ҳимояси таъминланишига эришилди.

Мамалакатимизда интеллектуал мулкни бевосита тартибга солишга қаратилган 8 та қонун ва ўндан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, ушбу нормативе ҳужжатлар интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга боълган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

2025-03-17 17:05:15